

ШАРҚ АЛЛОМАЛАРИ АСАРЛАРИДА БИЛИШГА ҚИЗИҚИШНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Сейтназарова Маъруза

**2-сонли айрим фанлар чуқурлаштириб ўқитиладиган
фанлари бор умумий таълим мактаби психологи**

Ережепова Алтин

4-сонли умумий таълим мактаби психологи

<https://doi.org/10.5281/zenodo.15624536>

Юксак тафаккур намоёндаларининг асарларида билим олишга кенг ўрин берилган бўлиб, ўтмишда ҳам, ҳозирда ҳам, қаерда таълим соҳасига эътибор юқори бўлса, ўша ерда тараққиёт доимо илгарилаб борганлиги яққол кўринади.

Шарқнинг қомусий олимлари асарларида таълим-тарбия, шахс камолоти борасидаги фикрлари билан бирга билим эгаллаш, илм олиш йўллари хусусида қатор илмий маълумотлар келтирилади. Жумладан, Имом ал-Бухорий, Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Бурҳониддин Зарнужий, Маҳмуд Кошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Умар Хайём, Абу Ҳамид Ғаззолий, Алишер Навоий, Муҳаммад Ризо Огаҳий, Абдулла Авлоний каби олим ва мутафаккирларнинг асарларида юқоридаги муаммо юзасидан атрофлича маълумотлар келтирилади.

Қомусий олим **Имом ал-Бухорий** ҳам илм ўрганишни юқори даражага қўйиб, ўз асарларида қуйидаги фикрларни илгари сурадилар: “Киши илм бобида нафақат ўзидан юқори ёки тенгдошларидан, балки ўзидан паст бўлганлардан ҳадис олмагунча, етук муҳаддис бўла олмайди”. Имом Бухорий ушбу фикри билан ўқув фаолиятининг ижобий мотивлари устоз-муаллим томонидан шакллантирилишига урғу беради.

Абу Наср Форобий эса кўплаб асарларида билиш масаласига катта эътибор беради. У билишда икки босқични - ҳиссий ва ақлий билишни фарқлайди ҳамда билишда инсон ақлининг ролига аҳамият беради. Форобий инсонларни илмли бўлишга чақириб, ўқувчининг ижтимоий ҳаётда тутган ўрни ва унинг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида ибратли ғояларни илгари сурган. У ўқувчига таълим бериш, уни илмли қилиш учун ўқитувчи тинмасдан машаққатли меҳнат қилсагина ўқувчи ўқишга, таълим олишга, билимли бўлишга интилиши мумкинлигини таъкидлайди. Ўқитувчи ўқувчига билим бераман деса, ўқувчи олдида ҳақиқатгўй бўлиши керак, ўзи фаҳм-фаросатли бўлиб, орномусини қадрлаши лозим, шогирдларига нисбатан адолатли бўлиши, кўзлаган мақсадига эришишида қатъийлик кўрсата билиши ва ўрнак бўлмоғи жоиз, дея таъкидлайди мутафаккир. Форобий тушунишни, билимнинг моҳиятини уқиб, англаб олишни қуруқ ёдлашдан устун қўяди, ўқувчига умумий қонун-қоидаларни ўзлаштиришни тавсия этади, чунки қонун-қоидаларни англаш, унинг эътирофига кўра, жуда катта аҳамиятга эга. Алломанинг мулоҳазасига биноан, ҳар қандай ўқувчи ўз хатти-ҳаракатидан хабардор бўлмоғи, яъни ўзини англагани, замонавий психология фани терминологиясига кўра, ўзини рефлексия қилиш кўникмаларига эга бўлиши ва шу саъй-ҳаракатлари туфайли бахтга эриша олувчи инсонлигини англамоғи лозимдир. Форобий ўқувчининг шахсига хос қатор фазилатларга холисона шарҳ берган олимдир.

Қомусий олим **Абу Али ибн Синонинг** фикрича, инсон тафаккури, ақлининг кучи бир неча босқичдан иборат. Ақлий кучлар дастлаб мутлақ тинч, сокин ҳолатда бўлади. Болалардаги ёзишни, ўқишни ўрганишдаги потенциал кучлар шунга мисол бўла олади. Абу

Али ибн Сино бу кучларни моддий кучлар деб номлаган, яъни мазкур кучларни ташқи мотивлар деб тушунса бўлади. Секин-асталик билан бу кучлар ҳаракатга айланади, булар меҳнат қуроли самарасидир, яъни меҳнат қуроли орқали ҳаракатга келади ва намоён бўлади. Бу ҳолатни бола ёзишни хоҳлаб турибди-ю, аммо ёзиш қуроли бўлган қаламнинг йўқлиги билан изоҳлаш мумкин. Бу икки кучни Ибн Сино рўёбга чиқиши мумкин бўлган куч деб атаган. Ниҳоят, учинчи куч эса ироданинг етишмаслиги билан тушунтириб берилади. Яъни шундай ҳолатнинг кучи бор, аммо уни ишлатишга, рўёбга чиқаришга болада ирода етишмайди. Аллома назарида, шу каби уч ҳолат билан ақл, билим олиш изоҳланади. “Тайр” асарида эса инсонларни дўстликка, билим ўрганишга чақиради.

Ибн Сино “Хайй ибн Яқзон” қиссасида инсон феъл-атворини, руҳиятини тушуниш учун мантиқ илмини ўрганишга чорлайди. Бу фан инсон тафаккур доирасининг кенгайишига катта ёрдам беради. Инсонларнинг феъл-атворини билиш учун ўқиш, ўткир бўлиш учун фаросат илмидан хабардор бўлиш керак. Дарҳақиқат, илм ўрганишга Форобий мусиқий, фалсафий илм билан даъват этган бўлса, ибн Сино мантиқ илми орқали даъват этган.

Абу Али ибн Сино болаларнинг ўқиш, таълим олишларига масъулият билан қараш тарафдорларидан бўлган. У бола 6 ёшга етгач муаллимга билим олиш учун топширилишини айтиб ўтади. Ҳозирда ҳам болаларнинг 6, 7 ёшдан бошланғич синфларга қабул қилиниши ибн Синонинг ўша даврдаги ғояларининг нақадар аҳамиятли эканлигидан далолат беради, зотан ушбу ҳол боланинг ўқишга бўлган муҳаббатини кучайтириши мумкин. Унинг фикрича, болага таълим аста-секинлик билан берилиши жоиз. Уни бирданига китобга боғлаб қўймаслик лозим, дейди аллома. Ибн Сино кишиларнинг яшашга қобил бўлиши ва бекорга жабр кўрмаслиги учун уларга эҳтиёт бўлиб таълим бериш кераклигини уқтиради. Яъни уларнинг ўқишга бўлган ижобий мотивларини сўндирмасликка ундайди.

Ўқувчиларнинг ўқиш фаолиятига оид фикрлар қомусий олим **Абу Райҳон Беруний** асарларида ҳам ўз аксини топган. Унинг фикрига кўра, билим олиш учун ўқувчиларда аввало интилиш ва қизиқиш бўлиши керак. Дарҳақиқат, ниманидир ўрганиш, тадқиқ қилиш учун инсонда интилиш, ҳаракат ва қизиқиш бўлмаса, у ҳеч нарсага эриша олмайди. Илм олишнинг муҳим йўлларида бири инсон ҳаммани ўзига дўст тутиши ва бошқа инсонларга ҳам яхшилик қила олиши лозим. Олимнинг мазкур фикрларини фан тилида ўқув фаолиятига нисбатан эҳтиёж туғилсагина ўқув мотивлари шакллантирилиши мумкин, дея талқин қилса бўлади.

References:

Используемая литература: Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. – Тошкент: А.Қодирий номидаги нашриёт, 1993. – 224 б.
2. Абу Райҳон Беруний. Феруза (Жавоҳирлар ҳақида нақл ва ҳикоятлар). – Тошкент: А.Қодирий номидаги нашриёт, 1993. – 96 б.
3. Ибн Сино. Фалсафий қиссалар. – Тошкент: Ўқитувчи, 1963. - 48 б.